

## Тема-Рема Мавзуйи Тузилишининг Дискурсив Вазифалари Ва Унинг Қисмлари Ўртасидаги Когерентлик

З. З. Гафарова<sup>1</sup>

**Абстракт:** Рема-тематик структуранинг тарқалиши алоҳида гап ёки нутқий тузилма сатҳи билан чегараланиб қолмасдан, балки бутун бир матн ҳамда унинг алоҳида бўлаклари қатламларини қамраб олади ва бунда рематик занжир ҳосил бўлади. Коммуникатив вазият ва мақсадга мувофиқ занжир ҳалқалари ўртасидаги муносабатлар ўзгариб туриши кузатилади, бироқ мазмуннинг инвариант қисми сақланиб қолиши керак.

**Калит сўзлар:** дискурс, тема, рема, ахборот, нутқий тузилма, топиклаштириш, когерентлик, мулоқот динамикаси, воқеа, темпорал маъно.

Дискурснинг мавзуйи тузилиши ва унинг қисмлари ўртасидаги мазмун боғланиши (когерентлиги) таҳлилида “топик” тушунчаси муҳим ўринни эгаллайди. Ушбу тушунча биринчилар қаторида америкалик тилшунос Уоллес Чейф томонидан истеъмолга киритилган бўлиб, уМ. Ҳаллидей ишлатган “тема” (theme) терминига мос келади. Масалан, The play John saw yesterday was interesting гапидаги the play бўлагининг биринчи ўринга чиқарилиши топиклаштириш ҳодисасининг маҳсулидир.

Топиклаштириш ҳодисасини дискурсда ахборотни тема-рема муносабатида ифодалаш доирасида тавсифлаш имкони мавжуд. ҲалиЯ. Фирбас давридаёқ нутқий тузилмада воқеланаётган ва контекстга боғлиқ ҳолда аниқлаштириладиган ахборотни “тема” деб аташ таклиф қилинган эди. (Янги ахборотни узатувчи элементлар, аксинча, нутқий тузилманинг коммуникатив марказини ташкил қилиб, ремани ҳосил қиладилар. Демак, рема берилаётган хабарнинг бошланғич босқичидаги маълумот – темани таъкидлаш бўлиб, билдирилаётган фикрни яқунлаш учун хизмат қиладди. Ремада ахборотнинг асосий, янги қисми мужассам. Лекин ахборот тўлиғича фақат тема-рема муносабатлари доирасида ифода топа олади.

Хуллас, “эски” ва “янги” ахборот нутқий тузилма мавзусида узилмайди ва мулоқот динамикаси, ҳаракатчанлигини таъминлайди.

Ахборотнинг “янги” ёки “эски” эканлигига ишора қилувчи терминлар қаторига “асос-ядро” (В.Матезиус), “тема-рема” (Я.Фирбас, Ф.Данеш, М.Халлидей, К.Боост, А.Богуславский), “топик-изоҳ” (Ж.Лайонс, О.Даль, Т.Веннеман), “топик-фокус” (А.Вежбицкая, П.Сгалл) каби жуфтликлар қиради. Ушбу терминлар кўпинча ҳеч қандай фарқсиз ўзаро ўрин алмашади. Бундан ташқари, ушбу терминлар ахборотнинг “эски” ва “янги” қисмлари тақсимоотида ўзига хос белгиларни акс эттирадилар.

Анъанага биноан, ахборот таркибидаги “янги ва эски” қисмлар, асосан, гап тузилиши сатҳида ёки иккита гап бирикувида қаралиб, ахборотнинг тақсимооти аслида мулоқот стратегиясига боғлиқ ҳолда кечишига етарлича эътибор бермасдан келинмоқда.

Ахборот тақсимооти стратегиясида юзага келадиган ўзгаришлар дискурсив вазифа бажариши ҳаммага маълум. Стратегия олдиндан мавжуд ахборотдан янгисига қараб йўл олганида, матнни идрок этиш “юки” енгиллашса, ушбу йўналиш “янгидан эски”га қараб йўналиш олишида ахборотнинг коммуникатив қиймати ошиши, янги маълумотларнинг муҳимлиги таъкидланади. Янги ахборотнинг аҳамияти мулоқот шароитида фикр алмашинувининг самарали бўлишини

<sup>1</sup> Осиё халқаро университети доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)



таъминлайди. Бинобарин, хабар берилаётган воқеа-ҳодисанинг замон-макон жиҳатидан топиклаштирилиши гапнинг семантик тузилишига таъсир ўтказиб, мазмундаги ўзгаришларга сабаб туғдиради: But that weekend he sent this letter (Lawrence, Short stories, p.259).

Замон кўрсаткичи топиклаштирилмаганда (алоҳида таъкидланмаганида) ушбу гапнинг умумий мазмуни бошқача кўриниш олади: He sent this letter that weekend.

Таъкидлаш ҳаракатининг таъсирини бошқа замон кўрсаткичлари қўлланилганида ҳам кузатиш мумкин. Масалан, қуйидаги ҳолатда эргаш гап топиклаштирилган: When she left to go to Sheila, she had been wearing a new suit, caramel-coloured linen (Rendell, Blood lines, p.167).

Юқоридаги тузилма таъкидсиз берилганида мазмунда кечадиган силжишларни кузатиш: She had been wearing a new suit, caramel-coloured linen when she left to Sheila.

Кўринадикки, эргаш гап топиклаштирилганда, ҳаракатни бажариш пайти алоҳида таъкидланади, бундай рематик ажратиш йўқолганида эса бош гапда ифодаланаётган воқеа алоҳида ажратилади.

Маъно референти нуқтаи назаридан қаралса, топиклаштириш ҳаракати воқеа-ҳодисаларнинг маълум давр мобайнида кечишига ишора қилади. Бундай референт боғланиш эса, ўз навбатида, ахборот узатиш жиҳатидан устуворликка эга. Л.Г.Лузина (1996:87) қайд этганидек, мазкур турдаги нутқий тузилмаларда иккита тамойил фаоллашади:

“эски” ахборот расман устуворлигини сақлайди;

фаол, янги ахборотнинг устуворлиги коммуникатив-прагматик тамойилга айланади.

Аммо топик ўрнига чиқарилган бўлак бир пайтнинг ўзида “янги” ва “эски” ахборот сифатида қабул қилиниши ҳам мумкин:

When we got through that I volunteered to wash dishes (Lawrence, Sons and Lovers, p.261).

Келтирилган мисолда вақт эргаш гапи that олмоши воситасида “эски”, олдиндан маълум ахборотни ифодаламоқда ва шу олмош кўрсатаётган ҳаракатнинг тугаганлиги ҳақидаги маълумотни ҳам билдирмоқда.

Демак, тема-рема тузилиши замирида ахборот тақсимотини ифодалашни дискурсни шакллантирувчи тамойиллардан бири сифатида тавсифлаш дискурсив вазифа бажарилишини матн яратиш жараёнида прагматик воситалар танловини таъминловчи омиллар қаторига киритиш имконини беради.

Темпорал маъно ифодаловчи воситаларнинг дискурсдаги вазифаларини таҳлил қилаётиб, эргаш гапларнинг матнда намоён бўладиган хусусиятларини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Кўпчилик тадқиқотчилар пайт эргаш гапларининг темпорал муносабатлардан ташқари, шарт, сабаб-оқибат, мақсад каби бошқа муносабатларини ҳам ифодалашини кўрсатиб ўтадилар (Jacobs 1993:66-69). Бироқ пайт эргаш гапларининг кўрсатилган вазифаларни бажаришини фақат матнга мурожаат қилган ҳолда далиллаш мумкин, зеро кўшимча маъно ва вазифалар фақат дискурс шароитида маълум қилинадиган ахборот таркибида юзага келади. Чунончи, when боғловчиси воситасида шаклланадиган пайт эргаш гапида сабаб-оқибат муносабати ифода топади: Of course, we couldn't entirely ignore the fact that vocations were declining students dropping out more and more frequently and ordained priests leaving the priesthood or the church in ever increasing numbers. When it was someone you knew personally, someone you had been trained with or taught by, it was always a shock (Lodge, Paradise News, p.183).

Ушбу матн парчасида when элементи it was always a shock бош гапида ифодаланаётган ҳолат сабабига ишора қилмоқда. Бу мазмунни матннинг олдинги қисмида баён қилинаётган воқеа билан боғлиқ ҳолда англаш мумкин: “Черковни тарк этаётган талаба ва ўқитувчилар сонининг ўсиб бориши кўпчиликни ҳайратга солган”.



Шунингдек, when боғловчисининг эргаш гапнинг if боғловчиси воситасида шаклланадиган шарт эргаш гапи билан мувофиқлашуви ҳам кузатилади: when there were no visitors, Paul now took his meals with visitors, as he was beyond the nursery control (Lawrens, Short Stories, p.359).

Келтирилган мисол контекстдан ташқарида таҳлил қилинаётган бўлса-да, қиёсланадиган эргаш гаплари ўртасидаги мутаносиблик қомусий билимга асосланади. (Яъни ёш болалар одатда катта ёшлилар даврасида қатнашмайдилар) ва шу сабаб пайт эргаш гапини шарт эргаш гапига трансформация қилиш мумкин: If there were no visitors, Paul now took his meals with his parents.

Бажарилган тажриба амали кўрсатишича, when боғловчиси воситасида шаклланаётган тузилма кўшимча маъно ифодалаш имкониятига эга ва бундай имкониятдан сўзловчи матннинг қисмларини ўзаро боғлаш ҳамда кечаётган воқеалар ўртасидаги мураккаб семантик муносабатларни ифодалаш мақсадида фойдаланади.

Умуман, тема-рема муносабати матн шаклланишида муҳим рольни ўтайди. Матн учун ташқи боғланишлар аҳамиятли эканлиги маълум, аммо ички алоқаларнинг ўрни ҳам алоҳида. Бундай алоқаларни намоён қилишнинг асосий усулларида бири, албатта, ахборотни маълум ёки “эски”дан бошлаб узатиш ва кейин янги (номаълум) қисмига ўтишдир. Шу йўсинда номаълум маълумотни танишга, имкон яратувчи, маълумга айлантирувчи мазмуний занжир ҳосил бўлади.

Юқорида кўриб чиқилган воқеа-ҳодисалар кечишининг темпорал белгилари таҳлилига кўра, предикатив нутқий тузилмалар таркибида иштирок этаётган воситаларнинг энг асосий дискурсив вазифаси уларнинг матн мазмуний когерентлигини таъминлашида намоён бўлади. Натижада, дискурсив омиллар қаторидан ўрин оладиган бундай воситалар маълум прагматик вазифани бажаришга мўлжалланади.

Маълумки, коммуникация жараёнида матн нутқий фаолият ҳосиласи сифатида намоён бўлади. Матн кўп босқичли, кўп сатҳли тузилма бўлиб, унинг турли жиҳатлари ҳар хил кўринишдаги вазифалар ижроси билан боғлиқдир. Матннинг структур тузилиши шакл ва мазмун муносабатини акс эттиради. Агарда унинг структур тузилиши таркиб топдирувчи лисоний шаклларнинг жойлашуви, турли муносабатлар доирасида юзага келса, мазмун доирасида қисмлар ва алоҳида бирликлар семантик муносабатини тақозо этади.

Коммуникация муҳитида матннинг шаклий ва мазмуний жиҳатлари яхлит тузилма сифатида намоён бўлиб, бу тузилмада турли сатҳ ва тизимдаги бирликлар ўзаро алоқага киришади (Папина 2002). Бундай яхлитликни таъминловчи омиллар турли манбага эга ва булар ичида матннинг коммуникатив-прагматик мўлжалини белгиловчилари ажралиб туради. Ушбу мўлжални воқелантиришда тема-рема муносабати муҳим вазифани бажариши юқорида таъкидланди. Теманинг матн шаклланиши ва ахборот узатилишидаги роли икки йўналишда намоён бўлади. Бу, биринчидан, олдинги контекст билан алоқани таъминлаш бўлса, иккинчидан, ремани киритишда таянч нукта вазифасини ўташдир. Эҳтимол, теманинг коммуникатив ривожини таъминловчи шароитни яратиш имкониятида тема-рема тузилишининг моҳияти яширинган.

Бизнингча, яхлит матннинг мавзуси ривожини кузатиш учун унинг таркибидаги алоҳида тема-рема гуруҳлари муносабатини қиёслаш лозим бўлади. Бу мақсадга эришиш учун Я.Фирбас томонидан таклиф қилинган гап элементларининг коммуникатив мақомини аниқлаш мезонларига мурожаат қилишни макул кўрдик (Firbas 1979).

Дастлабки кузатувлар шуни кўрсатадики, тема-рема тузилишининг турли жанрдаги матнларда фаоллашуви унга хос хусусиятларга эга. Шундай экан, таҳлилга нолисоний контекстга боғлиқ ҳолат ва омилларни жалб қилиш талаби қўйилди.

### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Haliday M.A.K. On Introduction to Functional Grammar. – L.: Oxford Univ. Press, 2004. – 287 p.
2. Firbas J.A. A functional view of ORDO NATURALIS // Studies in English, 1979, vol.13. – 369 p.



3. Матезиус В. О так называемом актуальном членении предложения. // *Пражский лингвистический кружок: Сборник статей.* — М.: Прогресс, 1967. — С. 239-245.
4. Danes F.A. Three – level approach to syntax // *Travaux linguistic de Prague*, 1. – Prague, 1996. – 200 p.
5. Халлидей Т.А.К. Место функциональной перспективы предложения (ФПП) в системе лингвистического описания. В кн.: *Новое в зарубежной лингвистике. Вып. VIII.* – М.: Прогресс, 1978. – 178 с.
6. Lawrence D.H. *English Short Stories of the 20-th century.* – М.: RADUGA, 1988. – 304 P.
7. Rendell Ruth. *The Lake of Darkness.* – L.: Arrow Books, 1980. – 287 p.
8. Лузина Л.Г. Распределение информации в тексте (когнитивные и прагматические аспекты). – М.: ИНИОН РАН. 1996. – 139 с.
9. Jacobs R. *English Syntax: A Grammar for English Language Professionals.* – Oxford: University Press, 1993. – 378 p.
10. Папина А.Ф. *Текст: его единицы и глобальная категории.* – М.: URSS, 2002. – 368 с.

